

Ватанни мардлар қўриклайди

Бугун Бешариқ тумани Мудофаа ишлари бўлимида бир гуруҳ мард ўғлонлар Ватан олдидағи шарафли бурчларини адо этиш мақсадида муддатли ҳарбий хизматга кузатилди.

Кузатиш маросимида туман ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бўлими ва бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари О.Алиматов ёшларга Ватан олдидағи йигитлик бурчини шараф билан ўташига омад тилаб, Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз жасоратига содик бўлишларига катта ишонч билдириди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни Қуролли Кучлар сафига кузатишга бағишиланган тадбирлар туманда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, бир муддат аввал, март ойининг дастлабки кунларида ҳам бир гуруҳ ана шундай эр йигитлар ҳарбий хизматни ўташ учун Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари сафларига кузатиб қўйилган эди.

Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-03-15 12:12:58